БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/.30.12.2019.B.72.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛОВ ЁҚУБ ДАВРОНОВИЧ

ШЎР ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ БЕЛГИЛАРИГА АГРОЭКОЛОГИК ОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ(БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

03.00.07. Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

03.00.10 – Экология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

УДК 58+59+579 (575.3)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Холов Ёқуб Давронович
Шўр тупроқлар шароитида ғўза навларининг қимматли белгиларига агроэкологик омилларнинг таъсири (Бухоро воҳаси мисолида).....5

Холов Ёқуб Давронович
Влияние агроэкологических факторов на ценные призники сортов хлопчатника в условиях засолённых почвах(на примере Бухарского оазиса)……21

Kholov Yokub Davronovich
The influence of agroecological factors on the valuable prizes of cotton varieties in conditions of saline soils (for example Bukhara region)…….....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….....43

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.B.72.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛОВ ЁҚУБ ДАВРОНОВИЧ

ШЎР ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ БЕЛГИЛАРИГА АГРОЭКОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ (БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

03.00.07. Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

03.00.10 – Экология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/B346 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар — **Холлиев Аскар Эргашович**
биология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: — **Курбанбаев Илхом Жуманазарович**
биология фанлари доктори, профессор

Боймуродов Ҳусниддин Тошболтаевич
биология фанлари доктори профессор

Етакчи ташкилот: — **Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.72.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «29» октябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117 Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўч., 11 уй. Тел: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-26-12, e-mail: bsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 5 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, 200117 М.Иқбол кўчаси 11 уй. Бухоро давлат университети мажлислар зали. Тел.: (+99865) 221-29-14, факс: (+99865) 221-26-12.

Диссертация автореферати 2020 йил «15» октябрь да тарқатилди.
(2020 йил «15» октябрь даги 3 рақамли реестр баённомаси).

С.Б.Бўриев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси б.ф.д.,профессор.

Н.Э.Рашидов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н.,доцент.

Ф.Ҳ.Жумаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ерларни мелиорациялашнинг асосий вазифалари – шўрланишни камайтириш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик ўсимликларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш ҳамда қўриқ ерларни ўзлаштиришдир. Мелиоратив тадбирлар тизимлари ҳар хил табиий шароитдаги минтақалар учун турлича бўлиб, бу борада илмий асосланган тадбирларни ишлаб чиқиш ва тупроқ хоссаларини чуқур ўрганишни тақозо этади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги соҳасида ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш дунё миқёсида доим бош масала бўлиб келган. Бу айниқса, аҳоли сони ва озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг узлуксиз ошиб бориши билан бевосита боғлиқдир. Сув заҳираларини оширишнинг ноанъанавий усуллари ва манбаларини излаш, режалаштирилган сув заҳираларидан суғориладиган минтақада етиштирилаётган экинларни суғориш, шўрланган тупроқларни ювиш ҳамда бошқа агромелиоратив усулларни ўз вақтида, меъёрида ўтказиш, сув заҳираларидан фойдаланиш тартиби, меъёри ва технологияларининг илмий-амалий асослари яратилмоқда.

Ҳозирда республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчиллик билан жадаллаштириш, ер фондидан оқилона фойдаланиш, суғориладиган ҳар бир гектардан олинадиган ўсимликлар ҳосилдорлигини, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар ечими ишлаб чиқилмоқда. Бу борада тупроқ унумдорлигини сақлаш, уни йил сайин мунтазам ошириб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шўрланган тупроқларга қарши курашиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ва экологик ҳолатини яхшилаш, илмий ва амалий жиҳатдан баҳолаш, тупроқ ва сув ресурсларидан самарадор фойдаланишни тартибга солиш йўллари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1], жумладан, “... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш асосида суғориладиган ерларнинг экомелиоратив ҳолатини яхшилаш” вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, ҳар хил тупроқ типлари шароитида кузатилаётган шўрланиш ва ерларнинг агрономик структурасининг бузилиш ҳолати ва натижада ғўзанинг ҳосил миқдори ва маҳсулот сифатини илмий баҳолаш, шўр тупроқлар ва сув танқис шароитида сувдан самарали фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда Бухоро воҳасининг шўрланган ва ҳар хил тупроқ типлари шароитида ғўза навларининг қимматли белгиларини баҳолаш ҳамда шўрланиш ва намлик даражалари таъсирини ифодаловчи физиолого-экологик хусусиятларини очиб бериш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ -3405 2017 йил 27 ноябрдаги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда ўсимликларнинг турли даражада шўрланган тупроқларда ўсиши, ривожланиши шўрга чидамлиликнинг агроэкологик асослари хорижлик олимлар R. Munns, M. Tester, A.Parida, A. Das, Z. Dajic ва бошқалар томонидан ўрганилган бўлса, МДҲ давлатларида ҳар хил тупроқ типларининг шўрланган шароитлардаги айрим физиологик кўрсаткичларини ўрганиш бўйича бажарилган илмий ишларни А.А. Шахов, Б.П. Строгонов, П.А. Генкель, Г.В. Удовенко, Н.А. Касумов ва бошқа олимларнинг асарларида кенг таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотларда тупроқларнинг мелиоратив ҳолати ва уни яхшилаш усуллари, ўсимликларга шўрланган тупроқ ва иқлим шароитларида морфологик ва айрим хўжалик қимматли белгиларига турли агроэкологик омилларининг таъсири, сув ва минерал ўғитлар таъминоти даражаси, агротехник тадбирларнинг самараси Р.А.Азимов, С. Абдуллаев, Т.С. Закиров, Ў.Тожиев, Х.Артикова каби олимларнинг айрим илмий изланишларида қайд этилган.

Аммо, илмий адабиётлар ва бошқа манбаларда ҳар хил (ўтлоқи – аллювиал, сур тусли -қўнғир ва чўл- қумли) тупроқ типларининг шўрланган шароитларда ғўзанинг айрим экофизиологик кўрсаткичлари ҳамда қимматли белгиларига агроэкологик омилларнинг таъсирини ўрганиш бўйича маълумотларнинг камлиги, бу борада ҳар томонлама тадқиқотлар олиб боришни кучайтириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №02 «Бухоро воҳасининг турли хил даражада шўрланган тупроқ типлари шароитида ўсимликлар маҳсулдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари» мавзуидаги (01.3.8.) тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Бухоро воҳасининг турли даражада шўрланган ўтлоқи аллювиал, сур тусли- қўнғир ва чўл- қумли тупроқ типлари шароитида ғўза навларининг қимматли белгиларига шўрланиш ва намлик даражалари таъсирини ифодаловчи физиолого-экологик

хусусиятларини илмий асослаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғориладиган ҳамда турлича шўрланган ўтлоқи аллювиал, сур тусли-қўнғир ва чўл -қумли тупроқ типларининг асосий эко-мелиоратив хоссаларини аниқлаш;

Бухоро-8, Омад ва С-4727 ғўза навларини тупроқ шўрланиши ва намлик даражалари ҳамда тупроқ типлари ҳар хил бўлган шароитдаги ривожланишининг физиолого-экологик кўрсаткичлари- барглардаги умумий сув миқдори, фотосинтез жадаллиги, нафас олиш жадаллиги, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, ҳужайра ширасининг қуюқлик даражаси, ўсимлик баргларининг сув танқислиги, протоплазманинг қовушқоқлиги ва бошқаларни аниқлаш;

ўрганилган ғўза навларида қимматли хўжалик белгилари – ҳосилдорлиги, тола чиқими, тола узунлиги ва 1000 та чигит вазнига агроэкологик шароитларнинг таъсирини атрофлича ўрганиш ҳамда навлар кесимида солиштирма таҳлил қилиш;

селекцион жараёнда танлов ишларини олиб бориш ва бошланғич манбаларни танлаш учун ноқулай абиотик омилларга бардошлилик ва ҳосилдорлик даражаси юқори бўлган навларни тавсия қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзанинг ўрта толали Бухоро-8, Омад ва С-4727 навлари ҳамда турли даражада шўрланган ўтлоқи – аллювиал, сур тусли- қўнғир ва чўл- қумли тупроқ типларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети суғориладиган ҳамда турлича шўрланган ўтлоқи- аллювиал, сур -тусли қўнғир ва чўл- қумли тупроқ типларининг асосий эко-мелиоратив хусусиятлари, қимматли хўжалик белгилари – ҳосилдорлиги, тола чиқими, тола узунлиги ва 1000 та чигит вазни юқори бўлган навларнинг эко-физиологиясини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида агрокимёвий эко-физиологик, морфологик, биометрик, статистик, қиёсий таҳлил, фенологик, газометрик каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор суғориладиган ҳамда турлича шўрланган ўтлоқи -аллювиал, сур тусли- қўнғир ва чўл- қумли тупроқ типларининг асосий эко-мелиоратив хоссалари асосланган;

илк бор тупроқ типлари (ўтлоқи - аллювиал, сур тусли -қўнғир ва чўл-қумли), тупроқ шўрланиши (кучсиз, ўрта ва кучли) ва намлик даражалари (70-75-70; 65-70-65; 60-65-60%) ҳар хил бўлган шароитда Бухоро-8, Омад ва С-4727 ғўза навлари ривожланишининг физиолого-экологик кўрсаткичлари аниқланган;

навларнинг қимматли хўжалик белгиларидан – ҳосилдорлиги, тола чиқими, тола узунлиги ва 1000 та чигит вазнига агроэкологик омилларнинг (тупроқ типлари, шўрланиш ва намлик даражалари) таъсири атрофлича аниқланган ҳамда навлар кесимида солиштирма баҳоланган;

селекцион жараёнда танлаш ишларини олиб бориш ва бошланғич манбаларни танлашда ноқулай экологик омилларга бардошлилик ва ҳосилдорлик даражаси юқори бўлган Бухоро-8, С-4727 навларнинг эко-физиологик асослари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бухоро воҳасининг ўрта ва қуйи ҳудудларида жойлашган суғориладиган ҳамда турлича шўрланган ўтлоқи -аллювиал, сур тусли-қўнғир ва чўл -қумли тупроқ типларини баҳолаш асосида асосий эко-мелиоратив хоссалари ҳар хил бўлган ҳудудларга навларни жойлаштириш учун илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган;

селекцион жараёнда танлов ишларини олиб бориш ҳамда бошланғич манбаларни танлаш учун ноқулай абиотик омилларга бардошлилик ва ҳосилдорлик даражаси юқори бўлган Бухоро-8, С-4727 навлардан фойдаланиш бўйича амалий фойдаланишнинг илмий ва амалий асослари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган тажриба натижалари билан мос келиши, тажрибалардаги агрокимёвий, экологик, физиологик жараёнларни аниқлаш мос услублар билан амалга оширилганлиги, тажриба маълумотларининг дисперсион статистик таҳлил қилинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғориладиган ерларнинг ўтлоқи–аллювиал, сур тусли- қунғир ва чўл- қумли ҳамда турли даражада шўрланган тупроқлар шароитида ғўза навларининг экофизиологик хусусиятларига ноқулай экологик омилларнинг таъсирини солиштирма илмий асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ғўза навларида қимматли хўжалик белгилари – ҳосилдорлиги, тола чиқими, тола узунлиги ва 1000 та чигит вазнига агроэкологик шароитларнинг таъсири атрофлича аниқланганлиги ҳамда навлар кесимида солиштирма баҳоланганлиги, селекцион жараёнда танлов ишларини олиб бориш, бошланғич манбаларни танлаш учун ноқулай абиотик омилларга бардошлилик ва ҳосилдорлик даражаси юқори бўлган навларни тавсия қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шўр тупроқлар шароитида ғўза навларининг қимматли белгиларига агроэкологик омилларининг таъсири ҳар хил даражадаги тупроқ шўрланиши ва типлари шароитларида аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

ноқулай абиотик омилларга бардошлилик ва ҳосилдорлик даражаси ҳамда ноқулай агроэкологик шароитларда тола чиқими, тола узунлиги ва чигит вазни юқори бўлган Бухоро-8 ва С-4727 навлари экиш учун ишлаб чиқариш амалиётига жорий қилинган.(Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги 07.08.2020. № 02/020-2386 сон маълумотномаси). Натижада навларнинг стресс омилларга бардошлилик даражасини ошириш имконини берган;

эко-мелиоратив хоссалари ҳар хил бўлган ҳудудларга чидамлилик даражалари юқори бўлган Бухоро-8, С-4727 навлари “Ниёз Неъматобод” ва “Шерзод” фермер хўжаликларининг 193 гектар ер майдонларига экиш жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги 07.08.2020. № 02/020-2386 сон маълумотномаси). Натижада мазкур навлардан турлича шўрланган ўтлоқи -аллювиал, сур тусли- қўнғир ва чўл - қумли тупроқ типлари шароитида юқори ва сифатли ҳосил олиш имконини берган;

Бухоро вилоятининг тупроқ типлари ва шўрланиш даражаси ҳар хил бўлган хўжаликларида кучли шўрланган ўтлоқи-аллювиал, сур тусли-қўнғир, чўл-қумли, тупроқлар шўрини ювишнинг мақбул меъёри бўйича тавсиялар берилган. “Ниёз Неъматобод” ва “Шерзод” фермер хўжаликларининг (Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши 13.08.2020. № 01/03-1673- сон маълумотномаси). Натижада тупроқ шўрланиши даражаларининг камайиши ҳисобига тупроқ типлари унумдорлигининг ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та, жумладан, 5 та халқаро ва 10 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан ташқари 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодаланган, тадқиқот предмети ва объектлари тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, мавзу анжуманлар ҳамда ишлаб чиқариш шароитларида тадқиқот натижаларининг апробацияси, диссертация структураси ва нашр этилган ишлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ўсимликларга агроэкологик омилларнинг таъсири”** деб номланган биринчи бобида танланган диссертация мавзуси йўналиши бўйича адабиётлар чуқур таҳлил қилиб чиқилган. Ўсимликларнинг тупроқ шўрланиши шароитида шўрга чидамлилик экофизиологияси ҳамда ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига шўрланишнинг таъсири, уларнинг

шўрликка чидамлилиги, шўрланишнинг қишлоқ хўжалик ўсимликларига салбий таъсири каби муаммолар ечимига бағишланган маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари тизимлаштирилган ва назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Шўрланган тупроқларга қарши курашиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ва экологик ҳолатини яхшилашга қаратилган чора тадбирларни илмий ва амалий жиҳатдан асослаш кўпчилик олимлар ва мутахассислар томонидан амалга оширилганлиги қайд этилган.

Мамлакатимизда шўр тупроқларнинг экологик ва мелиоратив шароитларини яхшилаш тадбирларини ўрганиш ва ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бориши билан биргаликда шўр тупроқларда етиштирилган ўсимликлар ҳосилдорлигини ошириш, шўрланишга чидамли ғўза навларини яратиш борасида кўпгина олимлар ишлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Бухоро воҳасида тарқалган суғориладиган ўтлоқи- аллювиал, сур - тусли қунғир ва чўл - қумли тупроқларнинг шўрланиши ва уларнинг мелиоратив ҳолатини оптималлаштириш ҳамда уларда ғўзани парваришлаш ишлари умумлаштирилган ҳолда таҳлил этилган. Адабиётларнинг чуқур таҳлили натижасида диссертациянинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектлари, услублари ва шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар олиб борилган жойларнинг тупроқ ва иқлим шароитлари, тадқиқот объектлари ҳамда фойдаланилган ашёлар ва услублар, тажриба дала майдони ва материаллар таснифи, тадқиқот ва таҳлилнинг замонавий усуллари, лаборатория кузатишлари ва келтирилган ҳисоблашлар баён этилган.

Тажрибалар Бухоро давлат университети илмий лабораторияси ва ўқув-тажриба даласида, Қоракўл, Жондор туманлари фермер хўжаликлари далаларида ўтказилган. Тажриба даласининг тупроғи ўтлоқи –аллювиал, сур тусли-қўнғир ва чўл- қумли типга мансуб бўлиб, ер ости сизот сувларининг чуқурлиги 2-3 метрни ташкил этган. Тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги, ҳажмий оғирлиги ва нам сиғимидан келиб чиқиб, тупроқдаги нам етишмаслик даражаси аниқланиб, суғориш меъёрлари белгиланган.

Барча дала тажрибаларида суғоришдан олдинги тупроқ намлиги, унинг ҳажмий оғирлиги ва дала нам сиғимини аниқлаш йўли билан тупроқнинг сув танқислиги ўрганилиб, суғориш ишлари амалга оширилди. Барча тажрибалар тупроқ намлиги мўътадил бўлган 70 фоиз намлик шароитларида олиб борилди. Айрим тажрибалар шароитида тупроқ намлиги тўлиқ нам сиғимига нисбатан 70-75-70, 65-70-65, 60-65-60 фоиз даражасида ушланди. Чигитлар қаторлаб 60 см ораликда экилди.

Илмий-тадқиқот ишларимиз давомида Бухоро воҳасида ўрта, кучли шўрланган тупроқларнинг ҳосил бўлиши, ва шўрланган тупроқларда туз тўпланиш жараёнларининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда уларни туз режимлари ўрганилди. Шунингдек, тажрибалар давомида Бухоро воҳасининг майдонларида кенг тарқалган ўтлоқи-аллювиал, сур тусли- қўнғир ва чўл-

қумли тупроқларнинг агрокимёвий агрофизикавий хусусиятлари ва бошқа кўрсаткичлари аниқланди. Дала тажрибаларини ўтказишда тупроқнинг шўрланиш даражалари ҳам алоҳида ҳисобга олинди.

Ғўза навларининг айрим физиологик кўрсаткичлари, ўсиши ва ривожланишига агроэкологик омилларнинг таъсири ўсимликлар физиологияси ва биокимёси, тупроқшунослик соҳасида умумқабул қилинган услублар ёрдамида аниқланган.

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишидаги фенологик кузатишлар, ҳисоблашлар ва тадқиқот ишлари ЎзПИТИ услубларига мос равишда амалга оширилган.

Барча физиологик кўрсаткичларни аниқлаш ва фенологик кузатишлар тажрибаларда ғўзанинг шоналаш, гуллаш ва кўсаклаш босқичларида ўтказилган. Тадқиқотлар учун асосий поянинг учки қисмидан ривожланган тўртинчи барг олинган.

Лаборатория шароитида ҳар бир нав ўсимликларининг қимматли хўжалик белгилари ўрганилди. Бунда – тола чиқими, тола узунлиги, минг дона чигит вазни ва бошқа белгилари аниқланди.

Ҳар қайси тажриба уч қайтариқли биологик ва уч қайтариқли аналитик даражасида олиб борилди. Маълумотларни статистик қайта ишлаш MS Excel 2003 ва Sigma Stat амалий компьютер дастурлари ёрдамида амалга оширилди. Дала ва лаборатория шароитларида олинган маълумотлар натижаларини ишончлилик даражаси ва кўрсаткичлар математик қайта ишланди (Б. А. Доспехов “Методика полевых опытов”, 1985).

Диссертациянинг **“Бухоро воҳаси суғориладиган тупроқларининг экологик-мелиоратив ҳолати”** деб номланган учинчи бобида Бухоро воҳасида кенг тарқалган ва ҳар хил даражада шўрланган ўтлоқи –аллювиал, сур тусли -қўнғир ва чўл- қумли тупроқ типларининг механик таркиби, шўрланганлик даражаси ва бошқа кўрсаткичларини ўрганиш бўйича олинган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Суғориладиган микро ва нанорельеф шаклларида тарқалган ва турли механик таркибга эга бўлган тупроқларда шўрланиш жараёнлари жойларда мавсумий доғсимон ва доимий доғсимон кўринишларда кузатилади ҳамда бир-биридан умумий туз миқдори (қуруқ қолдиқ), HCO_3^{--}, Cl^-, SO_4^{--} ионлари, Ca^{++}, Mg^{++} ва Na^+ катионлари ҳамда уларнинг бирикмаларидан ҳосил бўлган осон эрувчан тузларнинг ($MgSO_4$, Na_2SO_4, NaCl) таркиби ҳамда миқдори билан бир-биридан ажралиб туриши қайд этилган.

Тупроқларнинг pH кўрсаткичи - кам ишқорли бўлиб, унинг миқдори тупроқ горизонтида 7,21–7,43 атрофида тебраниб туради. Карбонатларнинг умумий миқдори тупроқ профили бўйича 6,78–9,67 % га тенг бўлган.

Қадимдан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларда гумус юқори ҳайдалма қатламда 1,09 – 1,39 % ни ташкил этган ҳолда, ўрта ва пастки горизонтларида эса унинг миқдори 0,93 – 0,47 % дан ортмайди. Азотнинг миқдори ҳам тупроқ профилида 0,098 – 0,044 % ни ташкил қилади ва

гумус миқдори каби юқори қатламдан қуйи горизонтгача аста-секин камайиб борган.

Сингдириш сиғими таркибида Na^+ ва K^+ миқдори 10-15 % ни ташкил қилади. Тупроқларнинг шўрланиш даражасига қараб ўрта ва кам шўрланган ўтлоқи - аллювиал тупроқларда тузларнинг таркиби асосан $CaSO_4$, Na_2SO_4 дан ташкил топган. Тупроқларнинг шўрланиш даражаси ортиб борган сари NaCl тузларнинг миқдори ҳам кўпайди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ушбу тупроқларда $MgSO_4$ тузининг миқдори бўйича кескин ўзгариш кузатилмади. Ундан ташқари, қадимдан суғориладиган ўтлоқи - аллювиал ўрта даражада шўрланган тупроқлар таркибида $Mg(HCO_3)_2$, $MgCl_2$, Na_2CO_3 тузлари эса учрамади.

Шўр ювиш натижасида ўрта ва кам шўрлангани майдонлар 70-80 % га камайиб, дала тажриба майдонининг қарийб 80 фоизида шўрланмаган тупроқлар контурлари ҳосил бўлди. Шунингдек, кучли шўрланган тупроқлар таркибидаги қуруқ қолдиқ, анионлар (HCO_3^- Cl^- SO_4^{--}) ва катионлар (Ca^{++} Mg^{++} Na^+) миқдори жуда ҳам сезиларли даражада камайди. Шўрланган тупроқлар майдонлари шўрланмаган тупроқлар контурлари томонига қараб кўпайди. Сизот сувларининг минераллашув даражаси 6,280 г/л дан то 2,070 г/л гача камайди ва натижада ўсимликларнинг ривожланиши учун оптимал агроэкологик шароит ҳосил бўлиши кузатилган.

Бухоро воҳасида қадимдан суғориладиган ўтлоқи- аллювиал, сур тусли - қўнғир ва янгидан ўзлаштирилган чўл- қумли турли даражада шўрланган тупроқларнинг хосса ва хусусиятлари ҳамда уларни ювилгандан кейин туз режимларининг ўзгариши билан характерланади.

Ўрта ва кучли даражада шўрланган ва турли механик таркибдан тузилган, ер ости сизот сувлари 240-250 см чуқурликда жойлашган ва уларнинг минераллашув даражаси 5-10 г/л эга бўлишини инобатга олган ҳолда шўрланган тупроқларни ювишдан олдин далалар ва майдонлар атрофидаги коллектор-зовурларни оқавалигини таъминлаш зарур.

Янгидан ўзлаштирилган кучли шўрланган чўл- қумли тупроқларнинг морфологик тузилиши асосан бир хил кулранг ва сур рангларга эга бўлган қумли қатламлардан ташкил топган. Фақат 10-20 см ҳайдалма горизонт, тупроқ профилидаги бошқа қатламлардан ўзининг оч кулранг ранги, бироз зичланганлиги ва оқ тусдаги тузларнинг йиғилиши билан фарқ қилади. Ушбу тупроқлар эол ётқизиқларида ривожланганлигига кўра, уларнинг механик таркиби фақат қумли заррачалардан ташкил топган.

Натижада тупроқнинг ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида тузлар миқдори 1,460-0,942 % ни ҳосил қилса, пастки горизонтларида уларнинг қийматлари 1,150 % гача кўпаяди. Тузларнинг кимёвий таркибида эса осон эрувчан NaCl, Na_2SO_4 ва $MgSO_4$ тузларнинг миқдори яна ортиши кузатилган.

Сизот сувининг сатҳи 140 см да жойлашган, унинг минераллашув даражаси 8,552 г/л ни ташкил қилади. Кимёвий таркиби бўйича хлоридли-

сульфатли шўрланган. Янгидан ўзлаштирилган чўл- қумли кучли шўрланган тупроқлар кучсиз ишқорлик тупроқ муҳитга эгалиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Ғўза навларининг айрим физиологик хусусиятларига тупроқ типлари ва шўрланиш даражаларининг таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида ўтлоқи- аллювиал, сур тусли- қўнғир ва чўл -қумли ҳамда ҳар хил даражада тупроқ шўрланиши таъсирида Бухоро-8, Омад ва С-4727 навларининг айрим физиологик хусусиятларини аниқлаш масалалари тадқиқ этилган.

Муҳитдаги шўрланиш даражасининг ошиб бориши билан ўрганилган учала навда ҳам умумий сув миқдорининг ошиб бориши аниқланди. Айниқса, кучли шўрланган шароитларда ушбу кўрсаткич қиймати энг юқори даражага кўтарилган(1-3-расм).



1-шўрланмаган. **2**-кучсиз шўрланган. **3**-ўртача шўрланган. **4**-кучсиз шўрланган

1-расм. Барглардаги умумий сув миқдорига тупроқ типлари ва шўрланиш даражаларининг таъсири,% (ўтлоқи-аллювиал тупроқлар)

Тажрибалар ғўза навларининг шоналаш ва гуллаш босқичларида уч хил тупроқ шароитида, ўтлоқи-аллювиал, сур тусли- қўнғир ва чўл-қумли тупроқларда олиб борилди. Тупроқ типларига боғлиқ ҳолда ушбу кўрсаткичнинг қиймати ҳар хил бўлиши аниқланди. Умумий сув миқдори учала навда ҳам шоналаш босқичидан гуллаш босқичигача ошиб бориши кузатилди. Ўтлоқи - аллювиал тупроқ шароитида ўстирилган ғўза навларида умумий сув миқдори, сур тусли- қўнғир ва чўл-қумли тупроқларда ўстирилган ғўза навларига қараганда юқори қийматга эга бўлиши аниқланди.

Фотосинтез жадаллиги энг муҳим физиологик жараёнлардан бири бўлиб, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, умумий фотосинтетик маҳсулдорлиги, биологик ва хўжалик ҳосил салмоғи ҳамда ҳосил ва унинг сифати ушбу жараённинг қийматига боғлиқдир.



1-шўрланмаган. **2**-кучсиз шўрланган. **3**-ўртача шўрланган. **4**-кучсиз шўрланган

2-расм. Барглардаги умумий сув миқдорига тупроқ типлари ва шўрланиш даражаларининг таъсири,%

(сур тусли- қўнғир тупроқлар)



1-шўрланмаган. **2**-кучсиз шўрланган. **3**-ўртача шўрланган. **4**-кучсиз шўрланган

3-расм. Барглардаги умумий сув миқдорига тупроқ типлари ва шўрланиш даражаларининг таъсири,%

(чўл-қумли тупроқлар)

Фотосинтез жадаллигига тупроқ типлари ва шўрланиш даражаларининг таъсири бўйича олинган маълумотлар 1-жадвалда келтирилган. Тажрибалар давомида олинган маълумотларга қараганда, тупроқ шўрланиши фотосинтез жадаллигига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Фотосинтез жадаллигига тупроқ шўрланиш даражаларининг таъсири ғўза навларининг шоналаш ва гуллаш босқичларида уч хил тупроқ шароитларида ўрганилди. Шўрланиш даражаларининг ошиб бориши билан ушбу кўрсаткич қийматининг пасайиб бориши учала навнинг шоналаш ва гуллаш босқичларида ҳам кузатилди.

Шўрланмаган тупроқларга қараганда ушбу кўрсаткич қиймати кучли шўрланган тупроқларда энг паст қийматга эга бўлиши тажрибалар давомида қайд этилган.

1-жадвал

Фотосинтез жадаллигига тупроқ типлари ва шўрланиш даражаларининг таъсири

(г/м^2·соат)

Навлар	**Ўтлоқи-аллювиал тупроқлар**		**Сур тусли- қўнғир тупроқлар**		**Чўл-қумли тупроқлар**	
	шоналаш	гуллаш	шоналаш	гуллаш	шоналаш	гуллаш
Шўрланмаган						
Бухоро-8	1,33±0,01	1,45±0,02	1,25±0,01	1,35±0,03	1,19±0,02	1,25±0,02
Омад	1,15±0,01	1,25±0,02	1,14±0,01	1,18±0,03	1,05±0,02	1,09±0,02
С-4727	1,24±0,03	1,34±0,01	1,21±0,01	1,24±0,04	1,12±0,01	1,16±0,04
Кучсиз шўрланган						
Бухоро-8	1,28±0,01	1,37±0,02	1,18±0,03	1,27±0,03	1,12±0,02	1,16±0,03
Омад	1,06±0,03	1,18±0,01	1,01±0,05	1,07±0,03	1,01±0,05	1,07±0,03
С-4727	1,17±0,02	1,28±0,03	1,08±0,04	1,13±0,04	1,10±0,04	1,14±0,04
Ўртача шўрланган						
Бухоро-8	1,21±0,01	1,33±0,02	1,13±0,01	1,24±0,01	1,10±0,01	1,14±0,01
Омад	1,00±0,02	1,10±0,02	0,96±0,02	1,03±0,04	0,99±0,02	1,03±0,03
С-4727	1,10±0,02	1,22±0,01	1,01±0,02	1,10±0,03	1,06±0,05	1,11±0,02
Кучли шўрланган						
Бухоро-8	1,12±0,04	1,24±0,04	1,05±0,02	1,12±0,02	1,00±0,03	1,04±0,01
Омад	0,65±0,01	0,86±0,02	0,78±0,02	0,75±0,01	0,48±0,03	0,65±0,02
С-4727	0,90±0,01	1,10±0,03	0,71±0,03	1,05±0,01	0,61±0,03	0,95±0,02

Ўтлоқи-аллювиал тупроқларда ўстирилган Бухоро-8 нави фотосинтез жадаллиги шоналаш босқичида шўрланмаган тупроқда 1,33 г, гуллашда босқичида 1,45г, кучсиз шўрланган тупроқда шоналашда 1,28, гуллашда 1,37 г, ўртача шўрланган тупроқда шоналашда 1,21, гуллашда 1,33, кучли шўрланган тупроқларда шоналашда 1,12 г, гуллаш босқичида эса 1,24 г га тенг бўлди. Ўтлоқи-аллювиал тупроқларда ўстирилган Омад навининг фотосинтез жадаллиги шоналаш босқичида шўрланмаган тупроқда 1,15 г, гуллаш босқичида 1,25 г, кучсиз шўрланган тупроқда шоналашда 1,06, гуллашда 1,18 г, ўртача шўрланган тупроқда шоналашда 1,00, гуллашда 1,10, кучли шўрланган тупроқларда шоналашда 0,65г, гуллаш босқичида эса 0,86 г га тенг бўлди. Ўтлоқи-аллювиал тупроқларда ўстирилган С-4727 нави фотосинтез жадаллиги шоналаш босқичида шўрланмаган тупроқда 1,24 г, гуллаш босқичида 1,34, кучсиз шўрланган тупроқда шоналашда 1,17, гуллашда 1,28 г, ўртача шўрланган тупроқда шоналашда 1,10, гуллашда 1,22, кучли шўрланган тупроқларда шоналашда 0,90 г, гуллаш босқичида эса 1,10 г га тенг бўлди.

Шу каби боғлиқлик сур тусли -қўнғир ва чўл - қумли тупроқларда ҳам кузатилган. Лекин, бу тупроқларга қараганда ўтлоқи-аллювиал тупроқларда ўстирилган ғўза навларининг фотосинтез жадаллиги учала навда ҳам юқори қийматга эга бўлган. Сур тусли -қўнғир тупроқларда ўстирилган ғўза навларининг фотосинтез жадаллиги чўл- қумли тупроқларда ўстирилган ғўза навларининг фотосинтез жадаллигидан юқорироқ бўлиши тажрибалар давомида аниқланган.

Айниқса, фотосинтез жадаллигининг пасайиши кучли шўрланган чўл- қумли тупроқларда қайд этилган. Ушбу кўрсаткич бўйича юқори натижалар Бухоро -8 навида, паст кўрсаткич эса Омад навида қайд этилган. Фотосинтез жадаллиги қийматнинг ҳар хил даражада ўзгариши навларнинг биологик хусусиятлари, тупроқ типлари ҳамда шўрланиш даражаларига боғлиқлиги кузатилган. Ташқи муҳитнинг ноқулай омилларидан тупроқ шўрланиши таъсирида фотосинтез соф маҳсулдорлигининг давомийлиги қисқаради, натижада ўсимликларнинг ассимиляцион маҳсулдорлиги ҳам камаяди.

Тажрибалар давомида ғўзанинг ўсиши ва ривожланишини белгилайдиган қатор кўрсаткичлар билан биргаликда, ғўза навларининг фотосинтез соф маҳсулдорлигига тупроқ типлари ва шўрланиш даражаларининг таъсири ҳам аниқланди. Тажрибалар дала шароитида ўтказилди. Изланишлар давомида фотосинтез соф маҳсулдорлиги бўйича олинган маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

Олинган маълумотларга қараганда, фотосинтез соф маҳсудорлиги қиймати тупроқ шўрланиши даражаларига ҳамда тупроқ типларига боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлди. Шўрланмаган вариантларда ушбу кўрсаткич қиймати шўрланган вариантларга қараганда, юқори эканлиги қайд этилди. Барча навларда шўрланиш даражасининг ошиб бориши билан фотосинтез соф маҳсулдорлиги қиймати пасайиб борганлиги қайд этилди. Ўтлоқи-аллювиал тупроқларда ўстирилган барча ғўза навларида фотосинтез соф маҳсулдорлигининг қиймати сур тусли- қўнғир тупроқлар ва чўл-қумли тупроқларга нисбатан барча вариантларда юқори бўлди. Ушбу кўрсаткич қиймати Бухоро-8 навида бошқа навларга нисбатан анча юқори бўлиши кузатилди. Ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг шўрланмаган шароитларида ўстирилган Бухоро-8 навининг шоналаш босқичида фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги 8,1, гуллаш босқичида 10,3, Омад навининг шоналаш босқичида 6,5, гуллаш босқичида 7,8, С - 4727 навининг шоналаш босқичида 7,2, гуллаш босқичида 9,1 га тенг бўлди. Сур тусли -қўнғир тупроқларларнинг шўрланмаган вариантларида Бухоро 8 навининг шоналаш босқичида фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги 7,4, гуллаш босқичида 9,2, Омад навининг шоналаш босқичида 5,9, гуллаш босқичида 7,2, С - 4727 навининг шоналаш босқичида 6,5, гуллаш босқичида 8,2 га тенг бўлди.

Чўл-қумли тупроқларнинг шўрланмаган вариантларида Бухоро-8 навининг шоналаш босқичида фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги 6,9, гуллаш босқичида 8,3, Омад навининг шоналаш босқичида 5,6, гуллаш

босқичида 6,6, С - 4727 навининг шоналаш босқичида 5,8, гуллаш босқичида 7,1 га тенг бўлди.

2-жадвал

Фотосинтез соф маҳсулдорлигига тупроқ типлари ва шўрланиш даражаларининг таъсири, (г/м^2 сутка)

Навлар	**Ўтлоқи-аллювиал тупроқлар**		**Сур тусли- қўнғир тупроқлар**		**Чўл-қумли тупроқлар**	
	Шоналаш	Гуллаш	Шоналаш	Гуллаш	Шоналаш	Гуллаш
Шўрланмаган						
Бухоро-8	8,1±0,08	10,3±0,08	7,4±0,07	9,2±0,09	6,9±0,08	8,3±0,08
Омад	6,5±0,05	7,8±0,06	5,9±0,08	7,2±0,04	5,6±0,08	6,6±0,06
С-4727	7,2±0,04	9,1±0,07	6,5±0,06	8,2±0,06	5,8±0,06	7,1±0,05
Кучсиз шўрланган						
Бухоро-8	7,6±0,05	9,7±0,07	7,2±0,01	8,8± 0,06	6,3±0,02	8,1± 0,04
Омад	6,2±0,07	7,5±0,06	5,6±0,07	6,8±0,05	5,2±0,07	6,3±0,06
С-4727	6,9±0,06	8,6±0,05	6,4±0,06	8,1±0,04	5,6±0,06	6,7±0,03
Ўртача шўрланган						
Бухоро-8	6,7±0,07	8,7±0,07	7,0±0,07	8,0±0,05	5,9±0,07	6,8±0,04
Омад	5,7±0,06	6,7±0,04	5,4±0,06	6,3±0,03	5,0±0,03	5,5±0,02
С-4727	6,2±0,04	8,0±0,08	6,0±0,04	7,2±0,06	5,2±0,05	6,3±0,03
Кучли шўрланган						
Бухоро-8	6,2±0,07	7,6±0,08	5,7±0,06	6,6±0,07	4,8±0,04	5,4±0,09
Омад	5,1±0,04	6,2±0,07	4,8±0,07	5,2±0,04	4,1±0,08	4,6±0,07
С-4727	5,5±0,06	7,0±0,08	5,3±0,04	6,1±0,08	4,5±0,06	5,0±0,06

Худди шунга ўхшаш боғлиқликлар ўтлоқи- аллювиал, сур тусли-қўнғир ва чўл- қумли тупроқларнинг кучсиз, ўртача ва кучли шўрланган шароитларида ҳам аниқланди, лекин, фотосинтез соф маҳсулдорлиги қиймати ўтлоқи-аллювиал тупроқларда юқори қийматга эга бўлганлиги қайд этилган. Шўрланиш даражасининг ошиб бориши билан учала навда ҳам фотосинтез соф маҳсулдорлигининг қиймати шўрланмаган вариантларга қараганда пасайиб бориши тадқиқотларимиз давомида аниқланган. Айниқса, кучли шўрланган чўл-қумли тупроқларда ўстирилган барча навларда ушбу кўрсаткич қийматининг кескин пасайганлиги кузатилди. Ғўзанинг барча навларида фотосинтез соф маҳсулдорлигининг кескин пасайиши қайд этилган.

Диссертациянинг **“Ўртача шўрланган тупроқларда ғўза навларининг қимматли белгиларига тупроқ типлари ва намлик даражаларининг таъсири”** деб номланган бешинчи бобида ғўза навларининг бўйига ўсиши, барг сатҳининг кенгайиши, бўғинлар сони, бўғин узунлиги, ҳосилдорлиги, тола чиқими, тола узунлиги, минг дона чигит вазни каби кўрсаткичларнинг ҳар хил даражадаги тупроқ намлиги ва ўртача шўрланган шароитларда олинган тадқиқот маълумотлари келтирилган.

Дала тадқиқотлари давомида ғўза навларининг ҳосилдорлигига тупроқ намлик даражалари ва тупроқ типларининг таъсири ўрганилди (3-жадвал). Ўрганилган ғўза навларининг ҳосилдорлик даражаси тупроқ типлари ва тупроқ намлик даражасига шўрланишга боғлиқ ҳолда ўтлоқи-аллювиал тупроқларда, сур тусли- қўнғир ва чўл-қумли тупроқларда ўстирилган вариантларга қараганда энг юқорилиги қайд этилган. Намлик даражасининг пасайиши билан мос равишда ҳосил салмоғининг камайиши кузатилди. Айниқса, тупроқ намлиги 60-65-60 бўлган вариантларда ҳосил миқдорининг кескин камайиши қайд этилди. Барча навларда 70-75-70 фоиз намлик шароитида ҳосил салмоғи барча навларда юқори бўлган. Ғўза навларининг ҳосилдорлиги бўйича энг паст натижалар чўл-қумли тупроқларнинг 60-65-60 фоиз даражадаги намлик шароитида қайд этилди.

3-жадвал

Ғўза навлари ҳосилдорлигига тупроқ типлари ва намлик даражаларининг таъсири,ц/га (тупроқ шўрланиши ўртача)

Навлар	**Ўтлоқи-аллювиал тупроқлар**	**Сур тусли- қўнғир тупроқлар**	**Чўл-қумли тупроқлар**
70-75-70			
Бухоро-8	39,2±0,24	38,2±0,43	36,9±0,37
Омад	36,0±0,31	35,3±0,29	33,5±0,28
С-4727	37,4±0,31	36,6±0,39	34,8±0,44
65-70-65			
Бухоро-8	38,8±0,24	37,4±0,27	34,8±0,44
Омад	35,5±0,51	34,3±0,28	32,9±0,03
С-4727	36,7±0,28	35,8±0,39	33,5±0,28
60-65-60			
Бухоро-8	37,6±0,22	35,9±0,42	33,0±0,31
Омад	34,0±0,31	33,2±0,29	31,2±0,33
С-4727	35,5±0,51	34,3±0,28	32,9±0,03

Ўтлоқи- аллювиал тупроқларда Бухоро-8 ғўза нави ҳосилдорлиги намлик даражаларининг пасайиб бориши билан 39,2- 37,6 оралиғида; Омад навида 36,0-34,0; С-4727 навида эса 37,4-35,5 центнерни ташкил қилган. Сур тусли -қўнғир тупроқларда Бухоро-8 ғўза нави ҳосилдорлиги намлик даражаларининг пасайиб бориши билан 38,2- 35,9 оралиғида; Омад навида 35,3-33,2; С-4727 навида эса 36,6-34,3 центнерни ташкил қилди. Чўл-қумли тупроқларда Бухоро-8 ғўза нави ҳосилдорлиги намлик даражаларининг пасайиб бориши билан 36,9- 33,0 оралиғида; Омад навида 33,5-31,2; С-4727 навида эса 34,8-32,9 центнерни ташкил қилган. Ўртача шўрланган шароитда барча ғўза навлари ҳосилдорлиги намлик даражаларига боғлиқ ҳолда камайиши кузатилган.

Тупроқ шўрланиши ўртача бўлган ҳар хил даражадаги намлик шароитларида ҳосилнинг сифат кўрсаткичлари ўтлоқи - аллювиал тупроқда

сур тусли -қўнғир ва чўл-қумли тупроқларга қараганда энг юқори бўлган. Юқоридаги уч хил тупроқ типларида бу кўрсаткич бўйича юқори натижалар ғўзанинг Бухоро-8 ва С-4727 навларида қайд этилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Эскидан суғориладиган ўтлоқи - аллювиал, сур тусли- қўнғир, кучли шўрланган тупроқларни ювиш меъёрлари 3500-4000 $м^3$/гектарни ташкил қилди. Кучли шўрланган тупроқларни меъёрида ювиш тадқиқот натижаларига кўра тупроқлар қатламида ва сизот сувлар таркибида қуруқ қолдиқ, Cl^- ва SO^{--} ионларининг миқдорини кескин камайтиришга эришилди. Натижада кучли шўрланган тупроқлар таркибидаги NaCl, Na_2SO_4 ва $MgSO_4$ каби заҳарли тузларнинг сизот сувларигача ювилиб кетиши, ҳамда дала тажриба участкаларида тарқалган шўр тупроқлар майдонларининг 80-90% гача камайишига эришилди.

2. Бухоро воҳасининг ҳар хил даражада шўрланган тупроқлар шароитида ўрганилган Бухоро -8, Омад ва С-4727 навларининг шўрланишга чидамлилик хусусияти ҳамда ўсиши ва ривожланиш даражаси қуруқ қолдиқ миқдори 0,35-0,50%, Cl^- иони 0,007- 0,015% ва SO_4^{--} иони 0,010-0,550 % бўлгандан бошлаб пасайиши қайд этилди.

3. Тупроқларда йиғилган заҳарли тузларнинг ортиши тупроқ эритмасида осмотик босимнинг ошишига ва натижада физиологик қурғоқчилик туфайли ҳудуддаги кучли шўрланган тупроқларнинг сув-туз режими бузилиши сабабли ўсимликлар сув таъминотининг ўзгариши аниқланди.

4. Турли даражада шўрланган тупроқларда ўрганилган ғўза навларининг айрим экофизиологик хусусиятларига тупроқ типлари ва шўрланиш даражаларининг таъсири навлар доирасида фарқ қилиниши аниқланди. Тупроқ типлари ва шўрланиши даражаларига боғлиқ ҳолда барглардаги умумий сув миқдори, нафас олиш жадаллиги, ҳужайра ширасининг қуюқлик даражаси, ўсимликларнинг сув танқислиги, протоплазма қовушқоқлигининг ошиши қайд этилди. Ўрганилган барча кўрсаткичлар қиймати шўрланмаган вариантларга солиштирганда барча (кучсиз, ўртача, кучли) шўрланган вариантларда юқори бўлиши аниқланди. Физиологик кўрсаткичлар қийматининг ҳар хил даражада ўзгариши навларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлиши очиб берилди.

5. Тупроқ шўрланиш даражалари барча ўрганилган навларда тупроқ типларига боғлиқ ҳолда фотосинтез жадаллиги ва фотосинтез соф маҳсулдорлигининг секинлашишига сабаб бўлди. Ғўза навларининг юқоридаги физиологик кўрсаткичлар қиймати навлар кесимида ҳар хил бўлиши тупроқ типлари, тупроқ шўрланиш даражалари ва ривожланиш босқичларига боғлиқлиги кузатилди. Олинган маълумотлар асосида Бухоро - 8 навининг барча физиологик кўрсаткичлари С-4727 ва Омад навларига нисбатан юқорилиги қайд этилди.

6. Бухоро воҳасида суғориладиган ўтлоқи- аллювиал, сур тусли-қўнғир ва чўл- қумли тупроқлари турли даражада шўрланган ерларида ўрганилган ғўза навларининг қимматли белгилари бир-биридан фарқ қилиб, бўйига ўсиши, барг сатҳининг кенгайиши, бўғинлар сони, бўғин узунлиги, ҳосилдорлиги, тола чиқими, тола узунлиги, 1000 дона чигит вазнлари тупроқ типларига, тупроқ шўрланиш ва намлик даражаларига боғлиқлиги аниқланди.

7. Муҳитдаги шўрланиш даражаларининг ошиб бориши билан ғўза навларининг бўйига ўсиш жадаллиги пасайиб, шўрланиш барча навларда бўғинлар сони ва бўғин узунлигининг камайишига олиб келди. Тупроқ шўрланиши ва намлик даражалари ғўза навларининг ҳосилдорлигига, тола чиқими, тола узунлиги, 1000 дона чигит вазнларига салбий таъсир қилиб, Бухоро воҳаси тупроқ-иқлим ва шўрланиш шароитида Бухоро-8 ғўза навида Омад ва С-4727 ғўза навларига қараганда қимматли белгиларининг юқори бўлиши солиштирма баҳоланди.

8. Тадқиқотлар натижасида Бухоро воҳаси ўтлоқи- аллювиал, сур тусли - қўнғир ва чўл -қумли шўрланган тупроқларида ҳосилдорлиги, тола чиқими, тола узунлиги, 1000 дона чигит вазни юқори навларни танлаш, селекцион жараёнларда бошланғич материал сифатида Бухоро-8 ва С-4727 навларидан фойдаланиш ва шу асосда жаҳон андозаси талабига мос ва жавоб берадиган навларни яратишга имкон бериши асосланди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

Бухоро воҳасида кенг тарқалган суғориладиган ва шўрланган ўтлоқи-аллювиал, сур тусли - қўнғир, чўл- қумли тупроқлар тарқалган ҳудудларида пахта-йиғим терими тугатилгандан кейин, майдонлар контурларини алоҳида чекларга ажратиб, айнан шу майдонларда шўр ювиш ишларини юқори агротехнологиялар асосида олиб бориш тавсия қилинади:

1. Кучли даражада шўрланган тупроқлар тарқалган ҳудудларда ер ости сизот сувлари 100-250 см чуқурликда жойлашган, минераллашув даражалари 5-10 г/л ва ундан ортиқ бўлган ҳолда шу майдоннинг шўрини ювишдан олдин экин далалари атрофидаги коллектор-зовур тармоқларида сувларнинг оқавалигини таъминлаш;

2. Янгидан ўзлаштирилган кучли шўрланган чўл -қумли, янгидан ўзлаштирилган кучли шўрланган сур тусли-қўнғир тупроқларни ювиш меъёри тегишлича 2500-3000 ва 3000-3500 $м^3$/га ва ўтлоқи- аллювиал кучли шўрланган тупроқларда эса 5500-6500 $м^3$/га ҳисобида амалга оширилиши зарур;

3. Кучли даражада шўрланган тупроқлар ювилгандан кейин уларнинг сув-туз ва озуқа режимлари ва унумдорлигини узлуксиз ошириш учун ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 35-40 тонна чириган гўнг, 270 кг азот,170 кг фосфор ва 100 кг калий ўғитлари киритиш эвазига Бухоро-8, Омад, С-4727 ғўза навлари қимматли белгилари 1,5-1,7 маротоба ортади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.B.72.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХОЛОВ ЁКУБ ДАВРОНОВИЧ

ВЛИЯНИЕ АГРОЭКОЛОГИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ НА ЦЕННЫЕ ПРИЗНАКИ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА В УСЛОВИЯХ ЗАСОЛЁННЫХ ПОЧВАХ (НА ПРИМЕРЕ БУХАРСКОГО ОАЗИСА)

03.00.07-Физиология и биохимия растений
03.00.10-Экология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Бухара – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/B346.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.buxdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Холлиев Аскар Эргашович**
доктор биологических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Курбанбаев Илхом Жуманазарович**
доктор биологических наук, профессор

Боймуродов Хусниддин Тошболтаевич
доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация: **Гулистанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «29» октября 2020 г. в 10 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.72.02. по присуждению ученой степени доктора философии при Бухарском государственном университете по адресу: 200117, г.Бухара, ул. М.Икбол 11, БухДУ. Тел.: (+99865) 221-29-14, факс: (+99865) 221-26-12, e-mail: bsu_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрировано под № 5). Адрес: 200117, г.Бухара, ул. М.Икбол 11, БухДУ. Тел.: (+99865) 221-29-14, факс: (+99865) 221-26-12, e-mail: bsu_info@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан: «15» октября 2020 г.
(реестр протокола рассылки № «3» от 15.10. 2020 г.

С.Б.Буриев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

Н.Э.Рашидов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.б.н., доцент

Ф.Х.Жумаев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, к.б.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Основными задачами мелиорирования земель в мире являются повышение плодородия почв за счет снижения засоленности, получение высокого и качественного урожая с сельскохозяйственных растений, а также освоение целинных земель. Система мелиоративных мероприятий различна для разных природных регионов, что требует разработки научно обоснованных мероприятий и углубленного изучения свойств почв.

В мировом сельском хозяйстве рациональное и эффективное использование земли всегда было одной из главных задач мирового масштаба. Это непосредственно связано с постоянным ростом населения и спроса на продовольственные товары. Создаются нетрадиционные методы и источники увеличения водных ресурсов, орошения сельскохозяйственных культур, выращиваемых в орошаемом регионе, планируемых запасов воды, промывки засоленных почв и других агромелиоративных методов в установленные сроки, нормирования, порядок использования водных ресурсов, нормы и научно-практические основы технологий.

В настоящее время в Узбекистане большое значение имеет последовательное ускорение сельскохозяйственного производства, рациональное использование земельного фонда, разработка решений проблем, связанных с повышением урожайности растений с каждого орошаемого гектара, его экономической эффективности. В этом отношении, поддержание и увеличение плодородия почвы является одним из важных задач. Упорядочены методы борьба с засолением почв, улучшения мелиоративного и экологического состояния орошаемых земель, научного и практического оценивания, а также эффективного использования земельных и водных ресурсов. В Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан[1] в 2017-2021 гг.» от 7 февраля 2017 года, определены задачи, в частности, «улучшение экомелиоративного состояния орошаемых земель на основе последовательного развития сельскохозяйственного производства». Исходя из этих задач, в частности, наблюдаемые засоление и нарушение агрономической структуры земель в условиях различных типов почв и научное обоснование количества урожая хлопчатника и качества продукта, разработка научных основ эффективного использования воды в условиях дефицита воды, а также обоснование физиолого-экологической характеристик, характеризующих влияние засоления и уровня влажности на ценные признаки сортов хлопчатника в условиях засоления и различных типов почв Бухарского оазиса, имеет большое теоретическое и практическое значение.

[1] Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № ПФ-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.» от 7 февраля 2017 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-3405 «О Государственной программе развития ирригации и улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель на период 2018-2019 годы» от 27 ноября 2017 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики: Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В мире, исследования по росту, развитию растений на почвах с разной степенью засоления, агроэкологических свойств солеустойчивости проводились зарубежными учёными R. Munns, M. Tester, A.Parida, A. Das, Z. Dajic и другими. Научные работы по изучению некоторых физиологических показателей в условиях засоления различных типов почв были проведены учёными стран СНГ А.А. Шаховым, Б.П. Строгоновым, П.А. Генкель, Г.В. Удовенко, Н.А. Касумовым, а также широко проанализированы в публикациях других учёных.

Исследования, проводимые в Узбекистане, по мелиоративному состоянию почв и методам его улучшения, влиянию различных агроэкологических факторов на морфологические и некоторые ценные хозяйственные признаки растений в условиях засоления почв и климата, степени обеспечения водой и минеральными удобрениями, эффективности агротехнических мероприятий зафиксированы в некоторых научных работах учёных, таких как Р.А.Азимов, С. Абдуллаев, Т.С.Закиров, У.Тожиев, Х.Артикова.

Но, в научной литературе и других источниках сведения об изучении влияния агроэкологических факторов на некоторые экофизиологические показатели и ценные признаки хлопчатника в условиях засоления различных почв (лугово-аллювиальные, светло-бурые и пустынно-песчаные) очень малочисленны, и усиление проведения всесторонних исследований в этом направлении является одной из актуальных задач.

Связь темы диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена работа. Диссертационное исследование выполнено в рамках планов научных работ (01.3.8.) по научно-исследовательскому плану №02 Бухарского государственного университета по теме «Научные и практические основы повышения продуктивности растений в условиях засоления в различной степени почвенных типов Бухарского оазиса».

